МАҲСУЛОТ 37 МИНГ ТОННАГА КЎПАЙДИ

НАВОИЙ. "Қизилқумцемент" очиқ турдаги ҳиссадорлик корхонасида яна бир цех ишга тушди. Натижада корхонада цемент ишлаб чиқариш ойига 37 минг тоннага кўпаядиган бўлди. Бу ўринда республика Олий Мажлиси депутати, корхона бош директори Ў. Рўзиқулов ташаббускорлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Айни пайтда унинг саъй-ҳаракати билан корхонанинг бошқа цехларидаги асбоб-ускуналар ҳам алмаштириляпти. Бу хайрли ишда Германиянинг "Мюллер" фирмаси билан ҳамкорлик қўл келмоқда.

Музаффар ШАРОПОВ.

БИР ЛАҲЗА ВА БИР УМРЛИК... ҚУВОНЧ

ХОРАЗМ. Хивалик тадбиркор Элдор оға Муталлабовнинг топқирлиги боис Ёқуббой хўжа мадрасасида тадбиркорлик ўчоғи очилган. Бу ерда тарихий ёдгорликлар тасвири туширилган эсдалик совғалар тайёрланади. Ушбу совға буюмлари бутун дунё мамлакатларига ёйилган.

Элдор оға яна бир янгиликка қўл урди. Ўз қўли билан Хива хонлари тахтини жуда чиройли қилиб ясади. Қадимда юрт сўраган хонлар киядиган турли либослар тиктирди ва эндиликда шаҳарга ташриф буюрган сайёҳлар бир дақиқа хон либосига бурканиб, тахтга виқор билан ўтириб, рангли суратга тушишлари мумкин.

Рўзимбой ҲАСАН.

АҚШ ОЛИМЛАРИ ТАШРИФИ

АНДИЖОН. Шаҳрихондаги 2-лицейга Ўзбекистон — АҚШ тараққиёт маркази вакиллари — Техас ҳамда Вашингтон университетлари профессорларидан Тед Элдер билан Мак Педринлар ташриф буюришди. Ўқувчиларнинг инглиз тилини пухта ўрганишаётгани савол-жавоблар давомида намоён бўлди. Иқтидорли ёшларни ўқитиш борасида ҳамкорлик қилишга келишилди. Хорижий зиёлилар лицей жамоасига Американинг тарихи, халқи, илм-фани ва маданиятига оид китоблар совға қилишди. Олимлар ўзбек тўйларида бўлдилар. Уларга тўн ва белбоғ инъом этилди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

ЯНГИ ГАЗЛАМАЛАР

БУХОРО. "Бухоротекс" ҳиссадорлик жамияти аъзолари "Нигора", "Темур", "Арча" сингари янги газламаларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишди. Бундай маҳсулотлардан аёл ва эркаклар кийимкечаклари тайёрлаш мумкин. Яқин келажакда бу ерда ишлаб чиқариш янада ривожлантирилади. Бугунгача бу хилдаги газламалардан 246 миллион 262 минг сўмликдан ортиқ ишлаб чиқарилди.

Даврон БАҲРОНОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси | 1997 йил 20 ноябрь, пайшанба № 136 (22.219). | Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ АҚШга расмий ташриф билан келган Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев Вашингтонда АҚШ мудофаа вазири Уильям Коэн билан учрашди. Пентагонда бўлиб ўтган музокараларнинг якунида томонлар ҳарбий соҳадаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳақидаги ҳужжатга имзо чекишди. Шартномага асосан Америка ва қозоғистонлик зобитлар таркиби тажриба алмашиш учун ўзаро борди-келдиларни кенгайтирадилар. Шунингдек, АҚШликларнинг Қозоғистондаги ҳарбий хизматчилар маҳоратини оширишдаги фаолияти кучайтирилади. Нурсултон Назарбоев АҚШ вице-президенти Альберт Гор билан ҳам учрашди.

* * *

☑ Тожикистонда ҳокимият таркибининг 30 фоизини мухолифат вакиллари ташкил этиши ҳақидаги масала ҳал қилинди. Бу ҳақда миллий тотувлик комиссиясининг матбуот котиби Юсуф Ҳакимов хабар берди. Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов ва миллий тотувлик комиссияси раиси Абдул Саид Нурий шу масалада тўла келишиб олишди. Бирлашган Тожикистон мухолифати вакиллари бошқариши мумкин бўлган вазирлик ва идоралар рўйхати кейинчалик эълон қилинади, деб таъкидлади Ҳакимов.

* * *

☑ Қувайт ташқи ишлар вазири Шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ас-Сабоҳ Сурия пойтахтига бир кунлик ташрифи давомида Форс кўрфазида ҳеч қандай ҳарбий тўқнашувларга йўл қўйилмаслиги керак, деди. Агар ҳарбий ҳаракатлар бошланган тақдирда ҳам Қувайтнинг бунга ҳеч қандай алоқаси бўлмайди.

* * *

☑ Россия ташқи ишлар вазири Евгений Примаков Москвага келган Ироқ бош вазирининг ўринбосари Тариқ Азизни қабул қилди. Бу ҳақда Ироқ элчихонаси вакили Карим Мутада хабар берди. Унинг айтишича кўра ҳозирча музокараларнинг натижаси маълум эмас. Бироқ ушбу музокаралар Ироқ атрофидаги вазиятнинг ривожланишига бағишланганлиги турган гап.

* * *

☑ Яқин кунларда Россия ташқи ишлар вазири Евгений Примаковнинг Ироқ Президенти Саддам Ҳусайн билан учрашуви бўлиб ўтади. Бу учрашув Бағдодда бўлиши кутилмоқда.

* * *

☑ Айни пайтда Ироқ атрофидаги вазиятни бартараф этиш мақсадида кўпгина давлатларнинг вакиллари ҳаракат қилишмоқда. Шу боисдан Москва Россия, Буюк Британия, Франция, АҚШ ташқи ишлар вазирларининг Женевадаги учрашувини ташкил этишга ҳаракат қилмоқда.

* * *

☑ «Интернет» ахборот тизимининг хабарига кўра, Афғонистоннинг Нангарҳор вилоятидаги 400 дан зиёд давлат хизматчилари ишдан бўшатилдилар. «Толибон» ҳаракати раҳбарлари уларни Афғонистоннинг марҳум Президентлари Тараки ва Амин билан ҳамкорлик қилганликда айбламоқдалар. Улар орасида врачлар, ўқитувчилар ва бошқа касб эгалари бор.

САМАРАЛИ МУЗОКАРАЛАР

Анқара, 19 ноябрь (ЎзА махсус мухбири Шуҳрат Умиров хабар қилади).

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Туркияга расмий ташрифи давом этмоқда. Кеча, куннинг иккинчи ярмида мамлакатимиз раҳбари Туркия Буюк миллат мажлисига ташриф буюрди. Ислом Каримовни Туркия парламенти раиси Ҳикмат Четин қарши олди. Бўлиб ўтган мулоқот чоғида икки мамлакат парламентлариаро алоқаларни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Пештоқида мамлакатимиз давлат байроғи ҳилпираб турган «Жомли кўшк» қароргоҳида Президент Ислом Каримов «Коч холдинг» саноат-молия компанияси президенти ва бош ижрочи директори Инон Кирач ҳамда Туркия иш банки президенти Юнол Қўруқчини қабул қилди

Ислом Каримов жойлашган қароргоҳга Туркия Бош вазири Месут Йилмаз ташриф буюрди. Тенг ҳуқуқлилик асосидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини бевосита амалий ишлар билан кенгайтириш Президентимиз билан Туркия Бош вазири ўртасидаги суҳбатнинг бош мавзуси бўлди.

Бугун Ислом Каримов Туркия Президенти Сулаймон Демирэл ҳамроҳлигида мамлакатнинг кўҳна гўшаларидан бири — Эски шаҳарга келди. Президентимиз «Коч холдинг» компаниясининг «Арчелик» заводи фаолияти билан танишди.

Бугун Ислом Каримовнинг Туркияга расмий ташрифи ниҳоясига етади.

(ЎзА).

ВАТАН ХАРИТАСИ

Республикамизда ўтаётган Украина маданияти кунлари иштирокчилари Самарқанд ва Бухорога ташриф буюришди. Улар икки қадимий шаҳарда истиқлол йилларида рўй берган ўзгаришларга юқори баҳо бердилар.

Шунингдек, бир гуруҳ вакиллар Фарғона, Қашқадарё ва Нукусда ҳам қизғин кутиб олиндилар. Уларнинг вилоятлар билан танишуви давом этмоқда.

***

Қашқадарё вилояти Ғузор туманида бунёд этиладиган «Шўртангазкимё» комплекси қурилишига тайёргарликни жадаллаштириш масалаларига бағишланган йиғилишда тегишли ташкилот ва идоралар раҳбарларига 1998 йилнинг январидан қурилиш ишларини бошлаб юбориш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

Полиэтилен ва суюлтирилган газ ишлаб чиқаришга мўлжалланган бу йирик иншоотни 2000 йилнинг охирида фойдаланишга топшириш мўлжалланган.

***

Француз телевидениесининг бир гуруҳ ижодкорлари қадимий Самарқанд шаҳрининг тарихи ва ҳозирги замон ҳаёти ҳақида ҳужжатли фильмни суратга олишни бошладилар.

***

Нарпай тумани деҳқонлари 33 минг 150 тонна пахта топшириб, давлат буюртмасини бажарди.

Шунингдек, Фарғона вилояти Данғара тумани деҳқонлари ҳам пахта тайёрлаш буюртмасини бажарди. Улар уйган «оқ олтин» хирмони 30 минг тоннадан ортди.

Дўсттинам, бепарво босма яproқни,
Яшил пайтларида кўп термулгансан.

Абдулғани ЖУМА олган сурат.

САВОБЛИ ФАОЛИЯТ

Қизил хоч ва Қизил Ярим Ой Халқаро федерацияси Ўзбекистонда қатор дастурларни амалга оширмоқда.

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти мазкур дастурлар доирасида куни кеча Самарқандда жамиятнинг Сирдарё, Жиззах, Самарқанд ва Навоий вилоятларидаги ходимлари учун семинар ўтказди. Ундан кўзланган мақсад мазкур жамият ташкилотлари фаолиятига халқаро молиявий тажрибаларни, жамият бюджетини режалаштириш ва ташкил этишнинг янги усулларини такомиллаштиришни кўриб чиқишдан иборат.

О. МУҲИДДИНОВА.

Янги замон кишиси

ТАДБИРКОРНИНГ ҲАР ХИЛИ БОР

Саъдулла махсум бир куни болалар боғчасини айланиб юриб, машғулотга қулоқ тутиб қолди. Тарбиячи Анор деган қиз болакайлар билан ғужуллашиб ўтирибди. Ўртада қопчалар, қанд-қурс, пештахта...

— Хўш, ким ишбилармон бўлади?

— Мен, мен, — деб болалар қўл кўтаришди.

— Зокиржон болам, сен тадбиркор бўла қол, — деди Анор. — Хўш ишни нимадан бошлайсан?

— Мен тадбиркорман, Саъдулла отаман, — деб гап бошлади болакай. — Шакарни 5 сўмга сотиб оламан. Ундан фабрикада новвот, қандқурс пишириб 7 сўмдан сотаман. 1 сўми ишчиларга иш ҳақи, ярим сўм солиққа, ярим сўм ўзимга фойда қолади.

Машғулотда ўзининг номини эшитиб Саъдулла махсум охиригача «гап ўғирлашга» мажбур бўлди...

Шу куниёқ Саъдулла махсум боғча мудираси Муҳаббатни бир чеккага тортиб, бир ками муштдек болаларга гап ўргатишинглар қолувди, — деб ўпка-гина қилди. Муҳаббат ҳам бўш келмади. Бу иқтисод машғулоти, болаларни ишбилармонликка ўргатяпмиз, деди.

Саъдулла Сафарбоев истасин, истамасин, Беруний туманидаги етти яшардан етмиш яшаргача у ҳақда гапсўз қилаётган эди. Ҳозир ҳам шу. Биз ҳам бир чеккада қолмайлик.

Саъдулла ака Беруний туманида яшайди. 60ни қоралаб қолган. Бир ишга киришса, охирига етказмай қўймайди. Шунинг учун туманда ўрганиб қолишганки, қаерда юки оғирроқ қурилиш, нимадир ташкилий иш бўлса, бир ғайрат қиласиз энди, деб илтимос қилишса, бас. Саъдулла аканинг ўзи ҳам тинч ўтиролмайдиган одам. «Пул топмаган кунинг ухлай олмасанг керак», деб ҳазиллашади ўзларини. Ўзларини билишади: Саъдулла махсум пул сарфламаган куни ҳам ухлай олмайди. Нима кўп тадбиркор кўп, шулар қатори бир одамдир-да, деб ўйлаётган бўлишингиз ҳам табиий. Тадбиркорнинг ҳам ҳар хили бор. Бирлари бойлигимга бойлик қўшилсин деб на ейиш-ичишида, на уйқусида ҳаловат бор, зир югуради. Бойиган сайин тоораяди. Бирлари кайфу-сафога, маишатга берилади...

Келинг, боғчадаги суҳбатга қайтайлик. Беруний туманидаги Қиётобод қишлоғидаги 7-болалар боғчаси бундан бир йил олдин ташландиқ ҳолга келиб қолган эди. Бадални тўлаш баъзи оилаларга оғирлик қилди, боғчадаги болалар камая борди...

Саъдулла ака фирмаси идорасига ўтади, қайтади, боғчанинг биносига, ярим гектарга яқин майдонига туздек ичи ачишади. Бир куни бульдозер олиб келиб, боғча ҳовлисига солиб юборди. Ўнқир-чўнқир бўлиб қолган асфальтларни, ажриқзорларни қўпорди. 5—10 йигитга ҳақ бериб 300 туп мевали дарахт, сабзавот эктирди. Боғча ишга тушганида гуллар қийғос очилди.

Ҳозир боғча тарбиячиларию болалари Саъдулла отаси жиҳозлаб берган маънавият хонасида машғулот ўтиш имконига эга. Болакайлар ҳар куни эрталаб боғча фитобарига киришади. Доривор гиёҳлардан тайёрланган ичимликларни ичишади. Бу ерда жуда камёб занжабил томири, кукуни, мускат ёнғоғи ва бизга унча таниш бўлмаган ўтлар бор экан. Шарқ табобатидан хабари бор Саъдулла аканинг ўзи бу гиёҳларни Тошкент бозориданми, танишларданми олиб келган.

Баъзи жойларда боғчалар ҳувиллаб ётибди. Туман бюджети ва Саъдулла Сафарбоевнинг «Махдум» фирмаси ёрдам қилаётган бу боғчага эса юзга яқин ота-она фарзандларини бериш учун навбатда турибди. Яна битта уй-боғча очишга мажбур бўлишди.

Беруний тумани ҳокими Рейимбой Қуронбоев Саъдулла акани мақтаб-мақтаб, э, барибир гап ололмайсиз, деганди. Нега энди дедим, тажрибам оз эмас, қаҳрамонларимни гапиртира оламан, агар соқов бўлмаса, дедим. Катта кетган эканман-да...

Юқорида айтганларим туман раҳбарларию, боғча жамоасидан «терганларим».

— Нима иш қилибман? — дейди нуқул Саъдулла ака.

Агар ўзини ўнглаб олган ҳар бир тадбиркор худди Саъдулла акага ўхшаб бирон иш қилса, яъниким, бирорта бола боғчаси таъминотининг озгина қисмини бўйнига олса ёки шунга ўхшаш бирон савоб иш қилса, унда... Бўғини ўзингизнинг чўтингизда қоқаверинг. Агар бундай хайрли ишлардан келадиган фойдани фақат чўт билан ҳисоблаш мумкин бўлса-ку майли-я...

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Нашр индекси: Якка тартибдаги обуначилар учун — 220
Ташкилотлар учун — 221

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Нашр индекси

Обуна сони

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси. исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

Нашрга етказиш варақаси

п.в Жойи

Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

Ислоҳот ва масъулият

КЎП ЎҚИГАН ЕТАР МУРОДГА

Мухбиримиз Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида бўлиб, меҳнаткашларнинг бунёдкорлик ишлари билан танишди ҳамда шу кунларнинг долзарб масаласи — обуна жараёнининг бориши билан ҳам қизиқди...

Бундан 4—5 йил илгари республикада энг илғор туманлардан ҳисобланган Жарқўрғон бугунга келиб мамлакатни қўяверинг, вилоятда энг охирги ўринга тушиб қолди.

6 ноябрь куни Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши иккинчи котиби Шавкат Юнусов билан шу ерда бўлганимизда, улар режадаги 67 фоиз пахтани топширишга эришибди, холос. Демак, бу йилги режа барбод бўлган. Бу қолоқликнинг сабабини жарқўрғонлик катта-ю кичик ҳар хил баҳолайди. Пахтакор меҳнатга яраша манфаатдорлик пасайиб кетганлигидан нолиса, саркорлар туманда раҳбарликнинг нотўғри олиб борилганлигига йўяди.

Аммо туманда ишнинг кўзини биладиган ташкилот раҳбарлари оз эмас. Масалан, Жарқўрғон пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти раиси Жаббор Жўраев билан суҳбатлашганимизда бунинг гувоҳи бўлдик. Ҳиссадорлар бир йилда 60 минг тонна пахтани қайта ишлаш имкониятига эга. Улар тумандошларидан 24 минг 443 тонна ўрнига 14 минг 600 тонна пахта қабул қилиб олишди. Бу ҳол корхонанинг узлуксиз ишлашини хавф остида қолдирди. Лекин ҳиссадорлар бунинг иложини топишди. Қўмқўрғон, Қизириқ, Музробод туманларидан пахта ташиш йўлга қўйилди.

Ушбу пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятига ёш, камтар, масъулиятни ҳис қила оладиган Жаббор Жўраев раҳбарлик қила бошлаганидан бери ишчиларнинг ўз меҳнатларидан моддий ва маънавий манфаатдорликлари ошди. Ободончилик ишларига эътибор кучайди.Корхона раҳбарининг эътибори орқали 30 нафар киши «Ўзбекистон овози»ни келгуси йил текин ўқийдиган бўлди.

«Сурхонтекстиль» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раиси Ёқубжон Маҳмудов ҳиссадорлардан 50 кишини «Ўзбекистон овози»га обуна қилган бўлса, вилоят нефть таъминоти корхонаси раҳбари Зулфиқор Чориев 25 кишини келгуси йил учун корхона ҳисобидан обуна қилган. Асака банкининг Сурхондарё вилояти филиали бошқарувчиси Боймурод Ҳакимов ғамхўрлигида 21 нафар банк хизматчилари келаси йили газетамизни текин олади.

Қашқадарёда вилоят пахтакорларининг 420 минг тоннадан ортиқ юксак хирмони тўйтомошалари давом этаяпти. 9 ноябрь куни Яккабоғда шундай тўйнинг устидан чиқдик. Туман пахтакорлари 24 минг тоннадан зиёд хирмон кўтарди. Шу куни вилоят ҳокими Озод Пармонов қўшалоқ тўйнинг бошида турди.

Ҳамма нарса раҳбарга боғлиқлигини Қашқадарёда ҳам кўрдик. Вилоят раҳбарлари ташаббуси билан маънавиятга эътибор ошиб бораётганлигини биламиз. Буни обунанинг уюшқоқлик билан ўтаётганлиги ҳам кўрсатиб турибди. Яқинда вилоятда 1998 йил учун газета-журналларга обунани ташкил этиш бўйича сим орқали мулоқот ўтказилди. Унда ислоҳотлар ижобий кечаётган Қамаши ва Усмон Юсупов туманларида обуна мавсуми намунали бораётгани таъкидланди. Бироқ, Баҳористон, Қарши, Деҳқонобод туманлари ва Қарши шаҳрида бу соҳадаги ишларда камчиликлар ҳам йўқ эмаслиги уқтириб ўтилди.

Аммо Қаршидаги Иқтисодиёт ва муҳандислик институтининг 50 нафар ва шу ердаги маданият техникумининг 13 нафар талабаси нақд пулларига «Ўзбекистон овози»га обуна бўлганлигини кўриб қувондик. Очиқ турдаги «Қашқадарё почтаси» ҳиссадорлик жамияти директори ўринбосари Тиркиш Очилов шундай деди:

— 15 та туманда шўъба филиалларимиз бор. Ундан ташқари 282 та алоқа бўлимида ҳам обуначилар учун шароит етарли. Уларга каталоглар етказиб берилган. Рекламаларга ҳам эътиборни қаратиб вилоят ва туман телевидение ва радиолари, шунингдек газеталардан фойдаланилмоқда.

Шу ерда обуна билан шуғулланаётган Қарши маданият техникуми кутубхона мудираси Мушарраф Фатхуллаевани учратдик. Унинг қўлидаги нашр варақалари юқоридаги 13 нафар талабанинг нақд пулга келгуси йил учун обуна бўлганлигини кўрсатади. Қарши шаҳар почта алоқа бўлими йўриқчиси Назира Раҳматова эса қаршилик Фахриддин Узоқов, Жамол Ниғматов, Соиб Усмонов, Ғафур Лутфуллаев каби «Ўзбекистон овози»нинг ихлосмандлари ўзларининг нақд пулларига обуна бўлганлигини билдирди. Демак, уларнинг хонадонларига йил давомида «Ўзбекистон овози» орқали янги хабарлар, маънавиятимиз, тарих ва келажагимизнинг ёрқин тимсолларига доир мақолалар боради.

Қашқадарё нефть таъминоти корхонаси раҳбари Санжар Турсунов 50 кишини, «Қашқадарёдавлатпахтасаноатсотиш» ҳиссадорлик бирлашмаси бошқарувининг раиси Равель Юнусов 70 нафар ишчини, Чироқчи туман касалхоналари бош врачи Холиёр Қодиров 41 нафар тиббиёт ходимини газетамизга обуна қилибди.

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгашининг иккинчи котиби Рафиқ Ражабов ҳамроҳлигида «Қаршиқурилиш» ихтисослаштирилган қурилиш бирлашмасида бўлдик. Бирлашма раҳбари Омон Суяровнинг тажрибали раҳбар эканлигини олдиндан билардик. Бу ерда ташкил этилган «Маърифатхона» фаолияти таҳсинга лойиқ. 9 мингдан зиёд қурувчи-бунёдкорлар ишлаётган бирлашмада 1214 нафар партия аъзоси бор. Уларга Имом Исломов бошчи. Ўтган йилги ва бу йилнинг 9 ойлик режалари билан қизиқдик. Ҳаммаси режадаги кўрсаткичдан юқори. Улар асосан Қоровулбозор, Кўкдумалоқ ва Тошкентдаги «Жар» соғломлаштириш марказида катта ишларни бажарган. Келгуси йил 100 дан ортиқ қурувчиларнинг газетамизни бирлашма ҳисобидан бепул ўқиши ҳам улар моддий ва маънавий муҳофазада эканлигидан далолат.

Бу йил Қашқадарё пахтасининг асосий қисми биринчи навга топширилган. Демак, пахта саноати билан шуғулланаётганлар учун бу катта ютуқ. Бунда Ғузор тумани пахтакорларининг салмоқли улуши бор.

— Ғузорликлар учун бу йил ниҳоятда оғир келди. Аммо самарали меҳнат ва ўз-ўзига талабчанлик туфайли йиллик пахта тайёрлаш режаси ошириб бажарилди. Тумандаги мавжуд 14 та хўжаликдан 13 таси режани уддалади. Натижада 27 минг 500 тонна ўрнига 29 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» топширилди, — дейди туман ҳокими ўринбосари А. Абдуллаев.

Шундан сўнг Ғузор пахта тозалаш заводи ҳиссадорлик жамиятидаги ишлар билан танишдик. Ҳиссадорлар 30 минг тонна пахтани қайта ишлайди. Корхона қувватига яраша хомашё жамғарилган. Ўтган икки ой ичида 6792 тонна, бу йилги пахта ҳосилидан 2300 тонна тола ишлаб чиқарилди.

— Ишларимиз билан танишдингиз, яна бир нарсани ёзиб қўйинг, — дейди ҳиссадорлик жамияти раиси Ислом Маҳмудов. — Биз энг илғор ишчиларимиздан 20 нафарини ва оталиққа олган Усмон Юсупов номли мактаб ўқитувчиларидан 10 кишини «Ўзбекистон овози»га обуна қилдик. Бундан ташқари, тумандаги иқтидорли болалар лицейига доимий ёрдамни аямаяпмиз.

Худди шу сингари Чироқчи пахта тозалаш очиқ ҳиссадорлик жамияти раиси Абдуҳаким Бейтуллаев ҳам 24 нафар кишига газетамизга обуна бўлишга ёрдам берганлигини, келгусида улар сафи янада ошишини баён қилди.

Ҳар икки жамият тола сифатига эътиборни қаратиш билан бирга ободончилик, тайёр маҳсулотлар чиқарувчи қўшма корхоналар очиш борасида изланмоқда.

Ушбу вилоятда эришилаётган ана шундай ютуқлардан қувонсак, йўл қўйилаётган камчиликлардан қуюндик. Вилоятнинг Баҳористон туманида 10 ноябргача лоақал бир кишининг «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» ва «Мулоқот» журналларига обуна қилинмаганини, Деҳқонободда бор-йўғи ёлғиз муштарий отахон газета ўқувчиси эканлигини, бошқа нашрларга ҳам ҳеч ким обуна бўлмаганлигини қандай баҳолаш керак?!....

Эркин ЭСИРГАДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

Хатлар
Хатлар
Хатлар

РАДИОГА ПУЛНИ КИМ ОЛАДИ?

Қишлоғимиз радиоси 1996 йилнинг ярмидан бошлаб ишламайдиган одат чиқарди. Қишлоқнинг ярмисида ишласа, ярмисида ишламайди. Биз радиоалоқа бўлими туман бошлиғига бир неча бор бу ҳақда мурожаат қилишимизга қарамай, ижобий натижа бўлмаяпти. Тўлалигича радиолашган қишлоқда ҳозирга келиб радио фаолияти узуқ-юлуқ бўлгани ҳолда радиога ким пул тўлайдию, радиога ким пул йиғади, ҳамма ҳайрон. 1998 йили радио эшитамизми-йўқми? Бу муаммонинг ҳал бўлишида ҳурматли таҳририятдан нажот кутамиз.

Абдуллажон ЖЎРАЕВ,
Наманган вилояти,
Косонсой тумани, Чипдовул қишлоғи.

«Мулоқот» саҳифаларида

ЎТДА ЁНМАС, СУВДА ЧЎКМАС МЎЪЖИЗА



«Мулоқот»нинг янги 6-сони ҳам нашрдан чиқди. Бу сон Узбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси Баҳодир Эшоновнинг Конституция кунига бағишланган «Бахтли келажакнинг ҳуқуқий кафолати» мақоласи билан очилади. Унда: «Конституцияга мувофиқ — Инсон — энг олий бойлик ва давлат сиёсатининг бош мақсадидир», — дея таъкидлайди муаллиф.

Собир Мирвалиевнинг «Маънавият деган ноёб неъмат ўтда ҳам ёнмайди, сувда ҳам чўкмайди, ўғри оломайдиган бир мўъжиза. У инсонни табиат ва ҳайвонот оламидан ажратиб, фарқлаб турувчи сўнмас бир нур, қуёшдир», дея маънавиятга берган таърифи ўзига хослиги билан ўқувчи диққатини тортмай қўймайди.

Мустақиллик туфайли миллийликка, қадриятларимизга қайтиб, тафаккур эркинлигига эришдик. Қучқор Хоназаров ушбу сонда «Ўзбекистон инсон онгининг инқилобийликдан тадрижийликка бурилишининг илк нуқтаси бўлди», — деган фикрни биринчилардан бўлиб илгари суради.

Атоқли давлат ва жамоат арбоби Шараф Рашидовнинг шахсий ташаббуси ва ғайрати билан қад кўтарган муҳташам иншоотлар мамлакатимиз ҳудудида бисёр. Ғуломхон Ғафуровнинг «Дўстликнинг олмос қирралари» мақоласини ўқиб Шараф Рашидовнинг халқлар дўстлигига нақадар юксак эътибор берганини билиб олиш қийин эмас.

Таниқли файласуф олим Исо Жабборовнинг 2500 йиллиги нишонланган қадимий Хива ҳақидаги «Қаҳрамонлар ва қалъалар ўлкаси», Шойзоқ Холмуминовнинг «Иш танлаш имконияти», Аҳмаджон Чориевнинг «Тарих сабоғи муқаддас», Муҳаммадилҳом Йўлдошевнинг «Ахлоқий маданият ва бозор иқтисоди» мақолалари ҳам диди ўткир муштарийларни бефарқ қолдирмайди.

Шунингдек, филология фанлари доктори Ориф Усмоннинг «Жалолиддин Румий» мақоласи мусулмон оламидаги энг улкан мутасаввиф донишмандлардан бири, йирик инсонпарвар ва мутафаккир шоир, «Мавлавия» тариқатининг асосчиси Мавлоно Жалолиддин Балхий-Румий ҳақиладир.

Ҳар галгидай муштарийларимиз «Мулоқот» дафинаси»да бу сафар ҳам қизиқарли саргузаштлар ва ҳангомалар билан танишадилар.

Инсон бир эгаллаган чўққида абадий қололмайди. Чунки жамият узгармоқда, давр узгармоқда. Шуни ҳисобга олиб, таҳририят журналнинг янги йил сонларини ҳар томонлама ўзгартиришга қарор қилди. «Мулоқот»нинг 1998 йилги сонлари халқаро андозаларга жавоб берадиган даражада чиройли безатилиши кўзда тутилмоқда. Журналнинг мазмундорлиги ҳам янада чуқурлашади. Таҳририят бунинг учун керакли барча чора-тадбирларни кўрди. «Мулоқот»га обуна бўлишни унутманг. Янги йилда ҳам у Сизнинг ишончингизни оқлайди.

Давлатмурод САЪДУЛЛАЕВ.

МУКОФОТГА — «ТИКО»

Самарқанд вилояти Пахтачи тумани Қурбон Ражабов жамоа хўжалигида бораётган кузги дала ишларида олти турдаги техника бир вақтнинг узида ишламоқда. Ғузапоя озуқа сифатида ўриб олинмоқда.

— Ғузапояни ўрадиган, йиғадиган, ортадиган ва даладан чиқарувчи техника воситалари бир маромда ишлаб турибди, — дейди хўжалик раҳбари Муҳиддин Худойқулов. — Бўшаган даларни текислашда кенг қамровли техникадан фойдаланилмоқда. Ўғит сепувчи ва шудгорлаш тракторлари баробар ишлаб турибди. Тупроқ асосий майдонларда 40—45 см., тоғ ва тоғ олди майдонларида 30—35 см. чуқурликда шудгорланмоқда.

Туманда трактор ҳайдовчилари ҳар гектар шудгор учун 170 сум олмоқдалар. Улар ҳар куни 3 маҳал иссиқ овқат билан таъминланган. Шудгорлаш ишларини 1 декабргача якунлаш режалаштирилган.

— Кузги дала ишларини биринчи бўлиб якунлаган хўжаликни «Тико» автомашинаси билан мукофотлаймиз, — деди туман ҳокими яқинда бўлиб ўтган кузги дала ишларига бағишланган семинар кенгашда.

Ўткир ПЎЛАТОВ.

ЎЗБЕКИСТОНДА УКРАИНА МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

Украина маданияти кунларининг Халқлар дўстлиги саройида тантанали очилишидан сўнг меҳмонлар пойтахтимизнинг қатор маданий марказларида уюштирилган учрашув ва маросимларда иштирок этдилар.

Улар Алишер Навоий ва Номаълум солдат ёдгорликлари пойига гуллар қўйишди. Марказий кўргазмалар залида эса украиналик мусаввирларнинг ижодига бағишланган кўргазма очилди. Ёзувчилар уюшмасида, Мухтор Ашрафий номидаги консерваторияда қизиқарли ижодий кечалар ўтказилди.

Украиналиклар 19 ноябрь куни гуруҳларга бўлиниб республикамиз вилоятлари бўйлаб ижодий сафарга жўнаб кетишди.

СУРАТДА: Украина маданияти кунларининг очилишидан лавҳа.

Муҳаммад АМИНОВ ва Алишер РИСҚИЕВ (ЎзА) олган сурат.

ЖУННИНГ БАҲОСИ ҚАНЧА?

Ҳайратдан ёқа ушлайсан киши. Заҳматкаш қўйчивон йил - ўн икки ой тоғ-тош кезади, иссиқ-совуқ демай жун, қоракўл тери, гўшт етиштиради. Бироқ, ишлаб чиқарган маҳсулотлари харид нархига келганда қосаси оқармайди. Ахир, ҳар бир қоракўл терининг нархи ўртача 800-900 сўмни, жунники эса бор йўғи 25-30 сўмни ташкил этса... Ҳозир Навоий вилоятининг қайси бир қўйчилик тумани: хоҳ у Учқудуқ, хоҳ у Конимех-Нурота бўлсин, қоракўлчи тери ва жун нархидан «дод» дейди. Чунки даромад буромадни, харажатлар қилинган ҳаракатларни «ямлаб» юборяпти.

— Жорий йилда вилоят бўйича 5035 тонна гўшт, 1103 тонна жун, кўплаб қоракўл тери ишлаб чиқардик, — дейди Навоий қоракўл ишлаб чиқариш бирлашмаси директори ўринбосари П. Сулаймонов. — Аммо уни жойларга сотишда қатор муаммоларга дуч келяпмиз. Айниқса жун харид нархининг пастлиги бизни боши берк кўчага киритиб қўйди. Айни пайтда 28 та қоракўлчилик хўжаликларида 500 тоннадан зиёд жун тўпланиб қолган. Бу эса хўжаликларнинг молиявий аҳволини издан чиқармоқда.

Дарҳақиқат, баҳор ва куз ойларида не-не машаққатлар эвазига қирқиб олинган жунга харидор борми, ўзи? Агар харидор бўлса нега энди унинг ҳар килограмми атиги 25-30 сўмдан ошмаяпти? Бу пулга бугунги кунда ҳеч вақо бермайдику?! Қайта ишланган хом ашё ёхуд тайёрланган жун рўмол ёки жун гилам бозорда 2-3 минг сўм эканини ким билмайди дейсиз?! Бу ҳам етмаганидек ноилож қолган қўйчивон олис Қизилқумдан азим Тошкентга, аниқроғи Келесдаги жунни қайта ишлаш фабрикасига тайёр хом ашё етказиб бераяпти. Бунга йўл ташвишини, кира ҳақини, ёнилғи ресурсларини ҳам қўшсангиз ҳар кило жун баҳоси 10 сўмга ҳам тушмаётганига тўлиқ ишонч ҳосил қиласиз.

Худди шу ўринда жиддий савол туғилади. Нима чет эллардан қанқурс, ёхуд оддий сақич келтираётган «ишбилармонлар» жунни, қўй териси ва қоракўл терини қайта ишлаш мосламаси, асбоб-ускунаси олиб келтирса савобга қолмайдими? Шунингдек, республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда республика қоракўлчилик ишлаб чиқариш бирлашмасидаги мутасадди ўртоқларга ҳам эътирозимиз бор. Қачонгача чорва молларидан олинган хом ашёлар республикамиз ташқарисига чиқиб кетади?!

Луқма

М. ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

АБОНЕМЕНТНИ ТЎҒРИ ТЎЛДИРГАНИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпели босилиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга ўтказилганига пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

✂ -

- **Газета ва журналга обуна бўлганингизда ёки манзилгоҳ ўзгаришини расмийлаштирганингизда карточкаларни сиёҳ билан, аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан жадвалдаги қоидаларга риоя қилиб тўлдиринг.**

МУСТАҚИЛЛИК ҲАҚИДА ЯНГИ РИСОЛАЛАР

Китоб — содиқ дўст

Миллий истиқлол туфайли Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар жамиятшунос олимлар олдига рўй бераётган ижтимоий ҳодисалар, кенг қамровли ислоҳотлар боришини диққат билан ўрганиб, уларнинг сабаб ва оқибатларини чуқур таҳлил қилиш ҳамда тегишли илмий хулосалар чиқариш, қолаверса, амалий тавсиялар бериш вазифасини қўймоқда. Мамлакатимизда изчиллик билан олиб борилаётган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий ислоҳотлар тўғрисида чуқур таҳлилий, оммабоп рисола ва китоблар йўқ ҳисобда. Шу сабабли ушбу муаммолар ва уларга яқин мавзуларда битилган ҳар бир асар диққатга лойиқ.

Шулардан бири «Ўзбекистон» нашриётида чиққан, таниқли файласуф С.Шермуҳаммедовнинг **«Мустақиллик — буюк неъмат»**[1] номли рисоласидир. Муаллиф унда содда, равон тилда миллий мустақиллигимизнинг моҳияти ва унинг ижтимоий аҳамияти ҳақида ҳикоя қилади. Мустақилликнинг Ватанимиз тарихи, мамлакатимиз тараққиётида бутунлай янги даврни очиб берганини таъкидлар экан, муаллиф: «Бу давр — эркинлик ва ҳурлик, тараққиёт ва юксалиш, халқимизнинг ўзлигини англашдаги инқилобий бурилиш даврдир»,- дейди.

«Мустақиллик: курашлар даври»[2]. «Ўзбекистон» нашриёти ҳаётга йўлланма берган мазкур рисола Нарзулла Қосимов қаламига мансубдир. Асар билан танишган ҳар бир киши Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилингандан кейинги дастлабки йилларда республикамизнинг мураккаб даврни бошдан кечирганлиги тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлади. Муаллиф Президент Ислом Каримов бошчилигидаги мамлакатимиз раҳбариятининг оқилона, узоқни кўзлаган, халқчил сиёсати туфайли турли сохта демократларнинг ҳокимиятни қўлга киритиш учун барча ҳийла-найранглари барбод бўлганлигини далиллар билан исботлайди, ватандошларимизни юртимизда қарор топган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий барқарорлик, хотиржам ва осойишта, бунёдкор ҳаётни қадрлашга, келажакка масъулият билан қарашга , ҳушёрликка даъват этади.

Ойгул Суюнованинг «Фан» нашриётида босилиб чиққан **«Туркистонда 1916 йилги миллий-озодлик кураши»**[3] рисоласи миллий мустақиллигимизнинг сарчашмаларидан бирининг тарихи билан таништиради. Асарнинг «Кириш» қисмида ёзилганидек, гарчанд Ўзбекистон мустақиллиги бир томчи қонсиз қўлга киритилган бўлсада, ҳуррият учун бўлган курашларнинг илдизи ўтмишга бориб тақалади. Рисолани ўқиганда мустақиллигимизни қўлга киритиш осон кечмаганлигига тўла ишонч ҳосил қиламиз. Халқимизнинг 1916 йил қўзғолони давомида кўрсатган оммавий қаҳрамонлиги ва унинг тенг бўлмаган жангларда берган қўплаб қурбонлари зое кетмади. Бугун мустақил Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятидан ўз ўрнини топмоқда.

С. ШЕРАЛИЕВ.

1. Саид Шермуҳаммедов. «Мустақиллик буюк неъмат». Тошкент, «Ўзбекистон», 1997- 80 б. Нусхаси 3000.

2. Нарзулла Қосимов. «Мустақиллик: курашлар даври». Тошкент, «Ўзбекистон», 1997- 79 б. Нусхаси 5000.

3. Ойгул Суюнова. «Туркистонда 1916 йилги миллий-озодлик кураши (Сирдарё вилояти мисолида)». Тошкент, «Фан», 1997, -64 б. Нусхаси 500.

Шарҳловчи минбари

ПОРАНИНГ ВАТАНИ БОРМИ?

Пора, порахўрлик иллати тўғрисида гап кетгудек бўлса, «бу иллат асли Шарқдан чиққан», дегувчилар албатта топилади. Бундай эътирофларни бадиий адабиётдан, матбуот саҳифаларидан кўплаб топиш мумкин. Лекин, кейинги йиллардаги кузатишлар, реал фактлар порани ватани деб бирор бир томонга аниқ ишора қилиш хато эканлигини исботламоқда. Бундай аниқликни биринчи бўлиб рус ёзувчиси ва тарихчиси Карамзин жаноблари киритгани кўпчиликка маълум.

Америка Қўшма Штатлари Давлат котибининг иқтисод, тадбиркорлик ва қишлоқ хўжалиги ишлари бўйича ўринбосари Стюарт Айзенстат жанобларининг «Порахўрликни қонунга зид ҳолат деб ҳисоблаш масаласи. Келинглар, бу ишни ҳал қилайлик», деб номланган мақоласида масала янада ойдинлашади.

Унда таъкидланишича, жаҳоннинг саноати бағоят ривож топган йирик 34 та мамлакати коррупцияга қарши кураш соҳасида тарихий бир ишни амалга оширишга қатъий бел боғлаганлар. Улар «Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти» раҳнамолигида порахўрликка қарши махсус конвенция матнини тайёрлаб, уни расман имзолаш арафасида турибдилар. Бу ҳужжатга кўра халқаро миқёсда иқтисодий ҳамкорлик алоқаларига доир шартномалар тузилаётганида, йирик лойиҳалар танлови ўтказилаётганида ёки имтиёзлар белгиланаётганида хорижий давлатларнинг расмий вакилларига пора бериш, ва аксинча, маълум манфаатлардан келиб чиқиб пора олиш қатъиян манъ этилади.

Бундай жиддий ҳаракатнинг, шубҳасиз, зарурати катта. Коррупция давлатлар, регионлар иқтисодига, оддий халқ манфаатларига жиддий зарар етказади, савдони, холис ҳамкорликни издан чиқаради. Маълум бир кишиларнинг ўзаро жиноий тил бириктириши асосида иқтисодий жиҳатдан заиф, ўзини оқламайдиган лойиҳаларга йўл очиш фуқаро аҳволини танг қилади, савдода нарх-навонинг асоссиз равишда ошишига олиб келади. Афсуски, бундай нопок ишларга қўл урганлар орасида йирик компанияларнинг вакиллари, ҳарбий-саноат комплекси корчалонлари билан бирга давлат бошлиқлари, сиёсий партияларнинг лидерлари ҳам бор. Уларнинг ўз халқларига, миллий экономикага етказган зарарлари миллиард-миллиард доллар билан ўлчанади.

Давлат котибининг ўринбосари коррупциянинг жамиятда илдиз отиши ва унинг аянчли оқибатларига доир бир неча мисолларни ҳам келтириб ўтади. Масалан, 70-йилларнинг ўрталарида Америка Қўшма Штатларида йирик компаниялар томонидан хорижий давлатларнинг раҳбарларига пора бериш ҳоллари мавжудлигидан келиб чиқиб, бу тўғрида махсус қонун ҳам қабул қилинган эди. Ана шу қонун лойиҳасини тайёрлашда мамлакатнинг ўша вақтдаги президенти Жим Картернинг ички сиёсат ишлари бўйича бош маслаҳатчиси С. Айзенстат ҳам фаол қатнашган. Унга кўра бирор бир шартнома тузиш пайтида хорижий давлатларнинг вакилларига пора беришда гумон қилинган ва айби аниқланган компанияларга катта жарималар солинган.

Кейинги йилларда порахўрлик давлатнинг энг юқори табақаларини ҳам қамраб олганлиги фактлари бир неча йирик мамлакатларда, жумладан, Хитойда, Корея Республикасида, қисман Ҳиндистонда ошкор бўлди ва айбдорлар ўз жазоларини олдилар.

Порахўрликдан гап очилди дегунча қўлларини Осиё томонга бигиз қилиб кўрсатишга одатланиб қолган Россияда бўлса, юксак лавозимли амалдорларнинг пора олишлари оддий бир воқеага айланиб қолди, чамаси. Рус матбуоти бу тўғрида деярли ҳар куни янги-янги маълумотларни ошкор қилмоқда. Энг сўнгги мисол — Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Чубайс командаси аъзоларига нашрга тайёрланган янги китоб учун тўланган 450 минг долларлик қалам ҳақи. Ҳали эълон қилинмаган бу китобнинг қалам ҳақи нари борса 3—5 минг долларни ташкил этади.

Кузатувчиларнинг фикрича, коррупциянинг нопок илдизлари йирик компаниялар, ҳарбий саноат комплекси фаолиятинигина эмас, бошқа соҳаларни ҳам ўз домига тортади. Давлат миқёсида қабул қилинаётган қарорларда у ёки бу томон манфаатлари устиворлигини таъминлаш, озиқ-овқат, кийим-кечак, нефть маҳсулотлари билан савдо қилувчи йирик ташкилотларга маълум имтиёзлар бериш учун сиёсий арбобларни, парламент аъзолари ёхуд мамлакат раҳбарларига яқин кишиларни ўз таъсирларига олиш ҳоллари бугунги Россия ижтимоий-сиёсий ҳаётида яққол кўзга ташланади.Бир вақтлар Мобуту раҳбарлик қилган Зоирда ёки Фердинанд Маркос ҳукмронлигидаги Филиппинда бўлгани каби, Россияда ҳам жамият юқори табақаларининг коррупция дунёси билан қоришиб кетганлиги мамлакатнинг дунё миқёсидаги нуфузига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу нарса айни кунларда давлат Думасида муҳокама этилаётган солиқларнинг янги тизими тўғрисидаги қонун лойиҳаси атрофидаги шов-шувларда янада яққол кўзга ташланади. Негаки, солиқ сиёсати нечоғли номукаммал бўлса, даромадларни яшириш, солиқ тўламаслик имкониятлари шунча кенг бўлади.

Жаҳоннинг 34 та йирик, ривожланган мамлакатлари томонидан тайёрланган конвенция порахўрлик ҳолларига давлатнинг юқори табақаларидагина эмас, қуйида ҳам барҳам беришга, айни пайтда майда корхоналар, меҳнат жамоалари раҳбарларининг ҳам масъулиятини оширишга қаратилган.

Аммо айрим кузатувчилар масаланинг бошқа бир нозик жиҳатига эътиборни қаратмоқдалар. Бирор бир мамлакат ўз ҳудудида амал қилаётган қонунлар асосида хорижий давлатларга ёрдам кўрсатса, бу ҳолни қандай баҳолаш мумкин? Конвенция қабул қилиш тарафдорлари бу саволга «хорижга бериладиган ёрдам бирор бир сиёсий мақсадга йўналтирилган бўлмаслиги керак» деб жавоб қайтармоқдалар. Аммо берилган ёрдамнинг асл мақсадларини ким ва қандай қилиб аниқлайди? Ҳеч ким «биз фалон мамлакатга фалон миқдорда моддий ёрдам кўрсатдик, бунинг эвазига улар фалон-фалон масалаларда бизни қўллаб-қувватлашади», дейишмайди-ку. Мисоллар келтирайлик.»Ньюсуик» журналининг тахминича, Клинтон маъмурияти Россияга энг замонавий компьютерларни сотишда Россия томонининг ядро синовларини таъқиқлаш шартномасини сўзсиз имзолашини шарт қилиб қўйган эмиш. Ёки СССР тарқаб кетгач, Молдова ҳудудида қолиб кетган замонавий вертолётларини яқинда АҚШ сотиб олди. Бундай харидга сотиб олувчининг эҳтиёжи бормиди ўзи? Ғарб матбуоти вертолётларни америкаликлар сотиб олмаса, улар бирор бир Яқин Шарқ мамлакатининг қўлига тушиши ва улар ядро қуролини ташиш учун мослаштирилиши мумкинлиги учун ҳам шундай қилинганлигини таъкидламоқда. Бундай мисолларни нефть маҳсулотлари бозоридан ҳам кўплаб келтириш мумкин.

Коррупцияга қарши конвенция қабул қилиш ташаббуси «Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти»га аъзо мамлакатларнинг тегишли вазирлари томонидан шу йилнинг май ойида олға сурилган эди. Жорий йилнинг охиригача бу ҳужжат имзоланиши керак.Аммо шу муаммо билан расман шуғулланувчи мутахассислар ҳозирнинг ўзидаёқ бордию янги конвенция мукаммал бўлмаса, кўзланган мақсадга эришиш мумкин эмаслигини, аксинча, нимчоралар шусиз ҳам мураккаб вазиятни янада мураккаблаштириб юборишини таъкидламоқдалар.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ.

СИЁСИЙ ИҚЛИМ

РИГА. Латвия пойтахтида «Болтиқбўйи минтақаси хавсизлиги ва барқарорлиги» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда турли мамлакатлардан келган 400 дан ортиқ сиёсатчилар, халқаро кузатувчилар ҳамда НАТО ва Европа иттифоқи вакиллари иштирок этди.

Конференцияда Болтиқбўйи минтақаси хавфсизлиги ва барқарорлиги масалалари билан бир вақтда минтақанинг сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий аҳволи ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

***

БОНН. Европа Иттифоқи Германиядаги боснялик қочқинларни ўз ватанига қайтариш ва уларга турар-жой қуриш учун 57 миллион Германия маркаси миқдорида кредит ажратди.

Германия қочоқлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Дитмар Шлей берган маълумотга қараганда, ҳозирги кунда Германияда 250 мингга яқин боснялик қочоқлар яшамоқда. Шу йил охиригача 100 мингдан ортиқ қочоқлар ўз ватанига қайтарилиб, бошпана билан таъминланади.

***

АР-РИЁД. Саудия Арабистони қироли Абул Фадҳ Жанубий Африка Республикаси Президенти Нелсон Мандела билан учрашди. Учрашувда асосан икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш ҳамда Яқин Шарқ минтақасидаги сиёсий вазиятни барқарорлаштириш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, мулоқот сўнггида икки мамлакат раҳбарлари бир неча ҳукуматлараро ҳужжатни имзолади.

Жэк ДОНЕЛЛИ

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ НИМА ДЕГАНИ?

АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

Америка Қўшма Штатлари инсон ҳуқуқлари ғоялари ва тажрибасининг сиёсий ривожи ва ёйилишида махсус ўрин тутади. 1776 йили Мустақиллик Декларацияси ёрдамида Британия қироллигидан тобелик ришталарини узган Америка колониялари барча инсонлар тенг этиб яратилгани ва ҳаёт, озодлик ҳамда бахтли бўлиш борасида дахлсиз ҳуқуқлар билан тақдирлангани ҳақидаги ўз-ўзидан аён ҳақиқатни таранним этди. Зулмкор тарз олган сиёсий кишанларни халқ йўқ қилиш ҳуқуқини тан олиши ҳам аҳамиятга моликдир. АҚШ Конституцияси ва Ҳуқуқлар Билъли доирасида таъсис этилган сиёсий тузум мисолида дунё аҳли фуқароларининг ҳуқуқи ҳурмат этилган ва муҳофазаланган тақдирдагина кун кечириши муқаррар бўлган ҳукуматнинг илк амалий тажрибасига гувоҳ бўлди. Шу тарика ҳуқуқлар, кўпинчалик, америкаликлар томонидан ўз миллий меросининг ҳал этувчи омили сифатида кўрилади.

Албатта, бу меросниг қора томонлари ҳам мавжуд. Янги республика таъсис этилганидан кейин биринчи юз йилнинг аксар қисмида қулдорлик расман тан олинган бўлиб, Конституция қуллар савдосини тақрибан 50 йил давомида ҳимоялаб келган. Иккинчи юз йилнинг кўп қисмида эса ирқий камситиш қонунлаштирилган эди. Америка ғарб томон кенгайгани сари маҳаллий аҳоли ўз уйлари ва ерларини бадалсиз ташлаб чиқишга мажбур этилган.

Американинг халқаро инсон ҳуқуқлари борасидаги сиёсати ва тажрибасида ҳам шундай қарама-қаршиликлар мавжуд бўлган. Мисол учун, Марказий Америка ва Кариб минтақаси «бизнинг томорқа»сифатида қурилиб, у ерда Америка Қўшма Штатлари номақбул деб топилган ҳукуматларни ағдариш учун америкалик аскарлар юборилган. Совуқ уруш йиллари давримда ашаддий ҳарбий диктатуралар озод ва демократик тузум деб аталган ва улар АҚШнинг иқтисодий ва геополитик манфаатларини қўллаб-қувватлагунга қадар уларга молиявий ва ҳарбий ёрдам кўрсатилган.

Бироқ Америка Қўшма Штатлари шунингдек, инсон ҳуқуқлари соҳасида ижобий халқаро фаолият ҳам кўрсатгани маълум. Мисол учун, Француз инқилоби даврида, XIX асрда Марказий ва Жанубий Америка мамлакатлари Испаниянинг колониал ҳукмронлигини ағдарганди. Ундан ташқари, XX аср узра Америка Қўшма Штатлари ўз обрўсини жойига қўйиш учун халқаро миқёсда фаолият юритди. Биринчи жаҳон урушидан сўнг Америка президенти Вудро Вилсон халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш тамойили ва озчилик вакилларини халқаро ҳамжамият томонидан муҳофазалашни ёқлаб чиқди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Америка Қўшма Штатлари Европада демократияни қўллаб-қувватлаш ва қайта тиклаш ҳамда Японияда уни жорий этиш учун сезиларли саъй-ҳаракатлар қилиб, анча маблағ сарфлади. Америка Қўшма Штатлари 1946 йили Филлипинга мустақилликни кафолатлаб, деколонизациялаштириш жараёнида етакчи мақомга эришди. Ҳатто совуқ уруш даврида АҚШ коммунизмга қарши кураш йўлида репрессив диктатураларни қўллаганда ҳам Америкада инсон ҳуқуқларини татбиқ этиш борасида қудратли давлат мақомига даъво этиш учун асос бор эди. Совуқ уруш тугаши билан Америка Қўшма Штатлари Сомали, Гаити, Босния ва ўзга мамлакатларда кўптомонлама инсон ҳуқуқлари ва инсонпарварлик ташаббусларининг етакчиси сифатида юзага чиқди.

Мазкур етакчилик роли саволомуз жиҳатларга ҳам эга. Анъанавий равишда Америка Қўшма Штатлари инсон ҳуқуқларини узгаларга нисбатан диққат билан текширишга интилса-да, ўзига келганда ўзини тиярди. Фақат БМТ Ассамблеяси қабул қилганидан кейин 25 йил ўтгач, яъни 1992 йилдагина Америка Қўшма Штатлари БМТнинг фуқаро ва Сиёсий Ҳуқуқлар Халқаро Битимини тасдиқлади. Қўшимча равишда, БМТ Инсон ҳуқуқлари ва битимлари бўйича Умумжаҳон Декларациясининг марказий меъёрий принципи бўлган фуқаро ва сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларга тенг мақом беришга Америка сиёсий спектрнинг маркази узра ғайриоддий қаршилик мавжуд эди. Америка Қўшма Штатлари Иқтисодий, Ижтимоий ва Маданий Ҳуқуқлар Битимига аъзо эмас ва америкаликлар таълим тарбия, соғлиқни сақлаш ҳамда ишга ёллаш масалаларини қамраб олувчи ижтимоий муаммоларни инсон ҳуқуқлари масалалари сифатида кўрмайди.

(Давоми. Боши аввалги сонларда)

(Давоми бор).

"ТОШКЕНТМЕБЕЛЬ" хиссадорлик жамияти





Ўзининг фирма дўкони орқали кенг турдаги мебель жиҳозлари:

— ётоқхона учун мебеллар тўплами;
— кўп мақсадда ишлатиладиган идиш-товоқлар жавони;
— юмшоқ мебеллар тўплами;
— офис мебеллари;
— кийим-кечак шкафлари;
— кроват, тўшак ва банкеткаларни

нақд пул ёки пул ўтказиш йўли билан СОТАДИ.

Жиҳозлар 10 фоиз арзонлаштирилган нархда сотилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Магазин Мавзуқ кўчаси, 245-уй, 43-автобуснинг охирги бекати. Телефонлар: 48-68-89, 48-37-50.

The Central European University Foundation
Invites applications for

Post-Graduate Fellowships
For the 1998/99 Academic Year

Central European University (CEU) is an internationally recognised institution of post-graduate education in the social sciences. It seeks to contribute to the development of open societies in Central and Eastern Europe and the former Soviet Union by promoting a system of education in which ideas are creatively, critically, and comparatively examined. CEU serves as an advanced centre of research and policy analysis and facilitates academic dialogue while preparing its graduates to serve as the region's next generation of leaders and scholars.

During the 1997/98 academic year, CEU enrolled 680 students drawn from over 35 countries including those of CEE/fSU, Western Europe, North America and Asia.

CEU has an absolute charter from the Board of Regents of the State of New York (US).

Financial Aid
Full fellowships are offered to most students from Central and Eastern Europe and the former Soviet Union (CEE/fSU). A limited number of financial aid packages are available for qualified students from non-CEE/fSU countries on the basis of academic merit. Some work-study positions are also offered to non-CEE/fSU students. Scholarships may also be available through various national organizations such as DAAD and the Austrian Ministry of Science and Research.

Master's and Doctoral Studies
Budapest, Hungary
Economics
MA, accreditation: Board of Regents of the State of NY (US)
Environmental Sciences and Policy
MSc, accreditation: Manchester University (UK)
Opportunities for joint PhD with the University of Manchester
History
MA, accreditation: Board of Regents of the State of NY (US)
PhD, accreditation: Board of Regents of the State of NY (US)
International Relations and European Studies
MA, accreditation: Open University (UK)
Legal Studies – Comparative Constitutional Law
– International Business Law
LLM, accreditation: Board of Regents of the State of NY (US)
SJD, accreditation: Board of Regents of the State of NY (US)

Interdisciplinary Programs
Budapest, Hungary
Gender Studies
MA, Board of Regents of the State of NY (US)
MPhil, accreditation: Open University (UK)
Human Rights
MA, accreditation pending
MPhil, accreditation: Open University (UK)
Nationalism Studies
MA, accreditation pending
MPhil, accreditation: Open University (UK)
Social Theory
Certificate
Southeast European Studies
MA, Board of Regents of the State of NY (US)
MPhil, accreditation: Open University (UK)
Medieval Studies
MA, accreditation: Board of Regents of the State of NY (US)
PhD, accreditation: Board of Regents of the State of NY (US)
Political Science
MA, accreditation: Board of Regents of the State of NY (US)
PhD, accreditation pending

Warsaw, Poland
Sociology
MA, accreditation: Lancaster University (UK)

Doctoral Support Program
Complex Adaptive Systems
Gender and Culture
Nationalism Studies
Philosophy: Science and Rationality

Applications deadline is January 10.
For additional information and applications material please contact:
Open Society Institute - Uzbekistan (Soros Foundation)
Tashkent, Uzbekistan, Ivleva str.41
Tel/fax: (3712) 40-68-54, 55-61-60, 54-82-43

Non-Discrimination Policy
Central European University does not discriminate on the basis of race, colour, religion, national or ethnic origin in administering its educational policies, admissions policies, scholarship and loan programs, and athletic and other school-administered programs.

БИЛЛУР СОВРИННИ КЎЗЛАБ

Мамлакат футбол мавсуми якунида биллур соврин — Узбекистон кубоги учун дастлабки ярим финал учрашувлари ўтказилди. Бунда «Пахтакор» — «Дўстлик» (3:2) ва «Навбаҳор» — «Нефтчи» (2:2) жамоалари майдонга тушдилар. Совриндор бўлишга ҳаракат қилаётган бу жамоалар ўртасидаги такрорий учрашув 21 ноябрда бўлади.

ТАШКИЛОТ

Тўғридан-тўғри Голландиядан арзон, сифати кафолатланган тарвуз, карам, бақлажон, помидор, бодринг, сабзавот ва полиз маҳсулотларининг уруғларини, шунингдек, боғ ва уй гулларининг 100 дан зиёд уруғ ҳамда кўчатларини

ЕТКАЗИБ БЕРАДИ

Тўлов усули — турлича.
Улгуржи харидорларларга нархи арзонлаштирилади.
Барча саволлар бўйича қуйидаги телефонларга қўнғироқ қилинг:
51-33-02, 55-57-72.
98-28-83 кечқурун соат 20.00 дан кейин, пейджер: 067-5801.

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги «Камола» хусусий тижорат фирмаси

ТУГАТИЛАДИ.

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тилшунослик институти маъмурияти ва меҳнат жамоаси институтнинг етакчи илмий ходими, филология фанлари доктори Эргаш Аъзамович Умаровга падари бузруквори **АЪЗАМ ота**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Давлат савдо-ишлаб чиқариш «Гўшт-сут савдо» бирлашмаси жамоаси бирлашманинг валюта ва суғурта бўлими бошлиғи Чингиз Раҳимовга отаси **Радик Каримович РАҲИМОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Абдулҳамид Чўлпон таваллудининг 100 йиллигига

Тўлан Низом

Ботмай қолган ой

(Лирик қисса)

УЧ КУНЛИК ОЙ

Кеч кирди.
Кесилди
Қуёшнинг дами.
Улоқчи от каби
Ҳансирайди ер...
Лоладек қизарди
Уфқнинг лаби.
Чавандоз юзига
Теккан қон янглиғ.
Боғларда бошланди
«Пичир-пичир»лар.
Гуллар ханда қилди—
Кўзларида ёш.
Ариқча жилдираб
Бир «гап» ташийди,
Уни кўзгаб қўяр
Шаббода бебош.
Қуплар чулдираши
Секинлаб тинди.
Қайларгадир инди
Тилла қўнғиз ҳам.
Оқшом чўкди кейин
Оқ туя мисол.
Самода юлдузлар
Чарақлаб кетди.
Тоғлар чўққисида
Уч кунлик ҳилол
Бетакрор,
Бетимсол
Бир ғазал битди.

Уни ўқий, дея,
Шеър тўқий, дея
Тепага чиқди Усмон,
Бағри эди қон...
Санаб кетди бир-бир
Юлдузларни у.
Адашди,
Санади,
Санади тағин.
Саноғи йўқ экан,
Адашиб кетди.
Яна чексиз хаёл
Бутун борлиғин
Айлади ишғол.
Чуқур ҳисга ботди
Сўнг уни элтди —
Қаро қўйлак кийган
Сирли коинот.
Кўзин ололмади
Олис самодан.
Тикилди,
Тикилди...
Киприкларида
Мулойим нуқралар
Тўкилмоққа шай.
Кўзин қамаштирди
Алқисса ҳилол.
Энтикиб — энтикиб
Термулиб қолди.
Ўттан у йилларни
Ёдига солди:
«Капалакнинг гул
эмганин кўрдим,
Эслаб кетдим сени,
малагим».

Кейин, кейин кўрди
Осмон четида —
Порлоқ Чўлпонни!
Нигоҳи ловуллаб
Ўт бўлиб ёнди.
Вужуди бир нозли
Илҳомга қонди.
Гуллар ўраб олди
Ўнгту сўлини.
Тонг юлдузи! — деди.
Ай, Чўлпон! деди.
Сўнг унга узатди
Икки қўлини!

РИВОЯТ

Бор экану
Йўқ экан,
Оч экану
Тўқ экан.
Бўри баковул экан,
Тулки ясовул экан.
Чин давлати беринда,
Қадим Турон еринда,
Фарғона боғларида,
Навбаҳор чоғларида
Ер нурга йўғрилганмиш,
Бир булбул туғилганмиш.
Чиндан сайроқи бўлиб,
Куйи ўйноқи бўлиб,
Ҳаммани лол қилиб у,
Билмас экан ҳеч уйқу.
Ғунчаларга айтиб сир,
Учиб юраркан пир-пир.
Хайрон бўлиб жами қуш,
Ундан ўрганиб хонин,
Ғийбатни бошланибди,
Кўзларин ёпланибди.
Булбул парвойи фалак,
Ёнсин, дебди бу юрак:

«Тилимни найга
жўр этдинг,
Кўзимга ойни
беркитдинг.»

Ҳамма уни тинглабди,
Овозидан англабди:
Бу ўша-ку, Усмон-ку!
Ўша, Усмон Носир — бу!
Ўша армонли бола,
Тақдир ёзмиши чала,
Ўксик, етимча эди,
Турмуш аччиғин еди.
Отаси йўқ, бир ғариб —
Онаси-ла сарғариб,
Бири кам бўлиб ўсди,
Бошига кўп иш тушди.
Музтарлик торта-торта,
Елкасига ғам орта —
Шеъриятга берилди,
Шоирман, деб керилди.
Оламга сиғмай қолди,
Қуёш сари йўл солди.
Эрта-кеч ўйлагани,
Қон ютиб суйлагани —
Осмон бўлди, ер бўлди,
Бутун умри шеър бўлди!

ХОЛАМБИБИ

— Болам, ёлғиз ўғлим,
Усмонжон,
Кўзларимга сен икки
жаҳон.
Кел, айланай, гиргиттон
бўлай,
Сен яшагил, менгина
ўлай.
Сағирликни хўп тортдинг
болам,
Бир кечарсан, сенга ҳаволам —
Ўжар бўлма, қайсарликни қўй,
Итоатни юрагингга туй,
Шеърларингда ўзгача фикр —
Феълингда бор, ўзгача зикр.
Отанг ўғай, кўтармайди ҳеч,
Хушламайди сени эрта — кеч.
Нима қилай, болагинам, айт,
Ўткир гаплар айтмоқликдан қайт
Ўртача бўл, кетмагил ошиб?
Дарё мисол кўпирма тошиб?
Ахир, менман сенга бир сирдош?
Ғанимларинг кўтармасин бош?
Усмон деди: Онажон, она,
Яшаш керак фақат мардона.
Дилда борин айтаман холос,
Илҳомимга қилиб зўр ихлос.
Навоийни, Машрабни билдим,
Фузулий деб бағримни тилдим.
Пушкин деган бир шоирни ҳам
Дилга жойлаб олдим чинакам.
Лермонтовга бўлдим маҳлиё,
Ҳар сатридан топилди зиё.
Сўнг Чўлпонга бердим қўлимни,

У кўрсатди менинг йўлимни.
Душманларим кўпайса э воҳ,
Менинг учун ковласалар чоҳ.
О, олдимда пайдо бўлса жар,
Қалбим нури товланар баттар!..

Шунда она ёлборди куйиб,
Усмонжонни қучоқлаб суйиб:
Ҳали ёшсан, сен бўл эҳтиёт,
Кимга вафо қилган бу ҳаёт? ..

Усмон яна айлади жавоб:
Сиз бағримни айламанг кабоб.
Хижил бўлманг, эмасман гўдак,
Мен умримни қилмайман эрмак:

«Саноқли кунларнинг
Саккиз минг саккизи —
Кафтимда йилларнинг
Йигирма бири бор...»

ҲАСАД АЛАНГАСИ

— Усмон Носир бошқача ёзур.
— Ҳа ўзига чуқур гўр қазур.
— Ўйлагани пинҳона бир «гап».
— Суйлагани эмас дур-садаф.
— Шеърин ўқир у телбанамо.
— Эҳтироси дарёми, аммо.
— Ичар, ичар, ичар пайдар-пай,
— Ичаверсин, ичин ейди май.
— Бирор қизга кўнгил қўймаган.
— Болаликка ҳали тўймаган.
— «Меҳрим» деган шеър
тўплами бўш?
— Унда иллат, ҳа, билдингми, хўш?
— Тушкунлик бор, оғмачилик бор.
— Миллат руҳи йиғлайди ночор.
— Чўлпон йўли, услубияти...
— Жулқунбойни паст қайфияти.
— У Пушкинни атайлаб бузган.
— «Демон»ни-чи бошқача тузган.
— Мен билмадим, бу қандай шоир?
— Лекин, «Нақшон» асил жавоҳир.
— Бошдан оёқ уни ёладим,
— Ўқиб туриб мен ҳам «дод»ладим.
— Лекин, унга лозимдир жилов?
— Эплаб бўлмас, у бир ўт—ялов
— Керак дейман уни қўрқитмоқ.
— Қандоқ қилиб, недан ҳуркитмоқ?
— Мени сира илмайди кўзга.
— Мана, сатри, бу менга қўра:

«Ол, нури йўқ, ойингни ол,
Сўнгра йўқол даргоҳимдан!»

ШАЪМА

Тўхта, Усмон!
Тўхта?
Шошасан қаён.
Сенинг қаёнлигинг,
Бу менга аён!
Борма!
Борма.
Энди!
Ўқимагил шеър.
Яшир ёзганларинг,
Қолсин пинҳона.
Ҳасад ели эсди,
Қуйди замона.
Сен кимга ёв бўлдинг,
Биласанми, а?
Хатонинг ягона,
Истеъдодингдир.
Сўзингда кўринмас
Душманлик асло!
Қалбингдаги Нур —
Ғанимга бало!
Борма!
Борма!
Зиҳор?
Ўқимагил шеър?
Кейин ёдлаб олар,
Сени бу тарих.
Кейин ўқиб чиқар
Сени келажак!
Тўхта Усмон,
Тўхта!
Ўлим бор!
Ўлим!
Усмон бир қайрилди,
Деди дафъатан:
«Йўлчиман,
Манзилим денгиздан нари,
Ложувард уфқнинг тубига яқин!»

ЎЧ

Саҳар кириб келдилар,
Дарвоза шароқлади.
Қуюн каби елдилар,
Усмонни сўроқлади:
— Шоир қани?
Уйдами?
— Тонгда ухлаб қолди у.
Тун билан ишлади-ку.
Ёзди,
Чизди,
Йиғлади.
Билмадим,
Ухлаб қолди,
Менинг бечора болам!
— Айт, эй жодугар хотин.
Усмон қани, топ дейман,
Шоирваччангни?
Уйғот,
Сўнг кирдилар бостириб,
Эшик тепиб, синдириб:
— Тур, ўрнингдан, Носиров?
Мана, ҳужжат, васиқа:
Усмон ёдига тушди —
«Нақшон»даги бир лавҳа:
«Денгиздан денгиз
Буюк Арманистон
Ҳукуматининг исмидан
Қамоқ қилдим.
Титингиз!»

ЎҚ ОВОЗИ

Тоштурма хонаси лахатдан ёмон.
Уйқуни билмайди Усмон Носир ҳеч.
Бу туҳмат, бу ёлғон. Бу қандай замон? —
Дейдию чанқайди, ичи ёнар печ.
Ўтирар, туради, ётолмас сира.
Хона тор ҳам пастак, тундай зим-зиё.
Оғринган кўнгил кир, кўзлари хира...
Қаёқдан ёпишди унга бу бало?
Аждаҳо терговчи чақирди яна:
— Ўтир, шоир Усмон, сен бўйнингга ол!
Жулқунбой ҳам, Чўлпон отилур, мана!
Тирик қоламан деб қилмагил хаёл.
Усмон тошдек қотди. Калтакладилар.
Жазо хонасида ҳушдан кетди у.
Тирноғи остига игна санчдилар.
Ўлимга ўхшарди бу жонсиз уйқу.
Бирдан чўчиб тушди, сесканди қаттиқ.
Қулоғи остида милтиқ садоси.
Юраги ювилди, юрак интиқ
Ингроқ эшитилди шоир нидоси:
Хайр, Чўлпон ака, айрилдим энди,
Мендан рози бўлинг, мендан-да рози?
Миллатнинг Сиз каби чинори синди!..
Кейин, кейин тинди Усмон овози.

ЖАЗО

Усмон қайсар экан, бир сўзли экан,
Ёлғон саволларга рост жавоб берди.
Тилимга санчилсин ҳақ сўздан тикан,
Гуноҳим йўқ дерди, бу туҳмат дерди.
Беаёв ташланди жисми қийноққа,
Руҳан пачоқланди, қиймаланди жон.
Чиркин лой суркалди ёш бир бўйдоққа,
Куйди бунда виждон, куйди-ку иймон.

Шоир эҳтироси — энг олий туйғу —
Ёниб кул бўлди-я мисоли бир чўп.

Шунчалар хор бўлди она юртида,
Ватан деб куйлаган оташин бир қалб.

Халқи бор эди-ку унинг ортида,
Нега беролмади «ёв»га битта зарб.

Қай кундир хонада овозин қўйиб,
Ёддан шеър ўқирди жўшиб баралла.
Шу он назоратчи «ёмонга» йўйиб,
Тил билмай бақириб деди шу палла:
— Носиров, Носиров, нега бу жойда
Ашула айтасан, жиннимисан ё?
Авахта қилайми яна бу ойда,
Инсонлик сафидан чиққунингча то?!

— Ашула эмас бу, ўз оҳангимда —
Шеърим ўқияпман она тилимда.
Ўзбекистон яшар менинг онгимда,
Мен мангу яшарман туққан элимда.

Ўшқириб сўкинди назоратчи ҳам:
Бас қил шеъринги сен, овозинг ўчсин!
— Шеър агар сиғмаса, ўт олсин олам!
Бу замин кўкларга соврулсин, кўчсин?

Билмадим, ўқилган қайси шеър бўлди?
Душманга тегди у гўё замбарак?
Англадим, англадим, ёдимга келди:
Бу ўша шеър, ўша, ҳа, ўша «Юрак»:
«Юрак, тингла, агар сендан
Ватан рози эмас бўлса,
Ёрил, чақмоққа айлан сен,
Ёрил! Майли тамом ўлсам!»

ШЕЪР НАДУР?

— Кўнгил юпанчими?
— Йўқ!
— Соғинчми?
— Йўқ!
— Дўстлик аломатими?
— Йўқ!
— Хижрон ё айрилиқми?
— Йўқ!
— Севгими?
— Йўқ!
— Кўз ёпларими?
— Йўқ!
— Висолми, висол?
— Йўқ!
— Она шафқатими?
— Йўқ!
— Ота меҳрими?
— Йўқ!
— Тўйми, тамошами?
— Йўқ!
— Базми жамшид, кайфу сафоми?
— Йўқ!
— Мартабами ё?
— Йўқ!
— Амалми?
— Йўқ!
— Илтижоми?
— Йўқ!
— Фармонми?
— Йўқ!
— Ҳар хил унвонми?
— Йўқ!
— Иззат, ҳурматми?
— Йўқ!
— Нима бўлмасам?
— Ўзлик!
— Ўзлик надур?
— Миллат!
— Миллат надур?
— Ватан!!
— Ватан!
— Ватан!
— Ватанми сайраттан?
— Ҳа!
— Ҳа!
— Ҳа!

МАГАДАН

Магадан,
Магадан!?
Сенда ўчим бор.
Сени енгмоқликда
Менинг кучим бор!
Усмонни яширдинг..
Яширдинг қаён?
Жавоб бер?
Сўрайман,
Менинг бурчим бор!

Магадан,
Магадан!
Эй қиш Ватани!
Топиб бер,
Сен бутун,
Усмоним қани?
Пушкин,
Лермонтовни
билмаган она,
Аҳли жаҳон кўрсин
Сен мени тани!!

Магадан,
Магадан!
Совуқ сўзликлар?
Энди тилга кирсин
Асрий музликлар.
Энди, ҳушёр туринг,
Эй шоири чин —
Усмон Носир каби —
Ўғил — қизликлар!
Магадан,
Магадан!
Сенми аждаҳо?
Оламни юттудек,
Эй, коми юҳо..?
Ким эди ўшанда
«Халқлар отаси?»
Сени ёвуз эттан
Ул ёвуз даҳо!

Магадан,
Магадан!
Сен — Усмон қабри.
Сен ўзбек шеърининг
Жафоси, жабри.
Сени айлантирур
Лойқа уммонга,
Кўз ёшим —
Бошингда самовот абри!!

Магадан,
Магадан!
Ёқангда қўлим...
Сен Усмон Носирдек
энг буюк ўлим!
На қилай,
Ерингда ётар экан у,
Сенга тушиб турар,
Менинг ҳам йўлим!..

ЎНГМИ ЁКИ ТУШ?

I

Яна калтакланди.
Озор еди тан.
Яна кўзларига
олам қоронғу.
Изғирин бағрига
чўмди Магадан,
Оғриқ билан келди
кўзига уйқу.

Алқисса туш кўрди:
Юрганмиш учиб —
Чексиз самоларда
беозор, майин.
Чўлпон ҳам учармиш,
Гоҳ уни қучиб —
Юлдуз қўпаярмиш
юксалган сайин.

Иккиси ёнма-ён
учармиш енгил,
Ойни айланармиш
қилиб тамоша.
Усмон, шеър боплабди
тўлиқиб кўнгил
Бепоён чексизлик
коинот оша.

Бирдан яқинлашди
Жайҳун ва Сайҳун,
Зангори бир кенглик
секин чайқалди.
Фарғона водийси...
боғ-роғлар гулгун
Наманган, Қўқон! —
деб садо тарқалди.

Юлдуз йўқ, ой ҳам йўқ,
қўрқинч, ваҳима,
Борлиқ гумбурлади,
қуёш қорайди.
Ўрнидан туриб дер:
бу нима? Нима?
Сесканди. Тор
хона яна торайди.

2.

Кундузи мизғиди беҳол
ва чарчоқ,
Тушида Тошкенту қадим
Самарқанд.
Бир гўзал қиз билан
гаплашди узоқ,
Жойни англолмади,
боғ эмиш баланд.

— Усмон ака, ўқинг,
яна илтимос?
— Бекорга ўқилмас
Сенга бор меҳримни шунга жамладим,
Онам-ей, раҳмат де, ҳеч демагансан.

Онасин кўксига бошини қўйди,
Кўз ёшлари оқди сел каби дув-дув.
Гўё энди унинг меҳрига тўйди,
Шу зум сингиллари кўтарди ғулув:

— Акажон, акажон, келдингизми, а?
Мунча узоқ ташлаб кетдингиз бизни.
Тақдирга ўт тушсин, ажратиб қўйса-я?
Ахтариб, топмадик Сиз босган изни.

Шунда пайдо бўлди отаси қандай?
Уни сезар эмиш, танимас ўйлаб.
— Ўғлим, мен дадангман, эмасман ўгай?
Усмон яқин бормас, бегонасираб.

***

— Носиров! Сўроққа! Чиқа қол тезроқ —
Қўпол назоратчи эшикни урди.
Уйғонди, вужудин босиб қалтироқ,
Нур тушган тешикка бақрайиб турди.

4.

Усмонга, сўз деди — Ҳамид Олимжон.
Усмон шеър боплади. Барча эди жим.
Шеър ўқир, шеър ўқир. Портлайди осмон,
Шоирга суқланиб термулар ҳар ким...

«Боғларга намозгар
Салқини тушди.
Гуллар нам баргини
Қайирди аста.
Офтоб ҳам сув ичар
Тоғлардан пастда.
Лоладек қип-қизил
Ўт шафақ ўчди».

Ойбек ҳайрат билан тинглайди дилгар.
Кўз ёпин яширди Миртемир андак.
Чапак чалди кимдир, ҳайқирди кимдир,
Уйқудан уйғотди гулдирос қарсак.

Кўз очиб сўзланди, алаҳсиради,
Қоттан лабларида сездиқ совуқ муз.
Ўрнидан қўзғолиб — зўрға туради,
Деди: «Мен кўмирга айланган Юлдуз».

ҚИЙНОҚ

Бугун ишга яна чиқолмади у,
Қаҳратон совуғи — эллик даража.
Бригадир дўқ урди: Эҳ аблаҳ, какку,
Бўйнингда турибди уч ойлик режа!?

Усмон гап қайтарди: — Билганингни қил,
Оёқ кўтармоққа йўқ-ку, мажолим.
Яхшиси, от мени, кел, бағримни тил,
Тан тугади, қолди фақат хаёлим.

Шу он кимдир урди унинг бошига,
Жазо хонасига сўнг судраб кетди.

Тонгда ҳушга келди, хаёллари жам,
Сўниқ хотиралар жонланди бир оз.
Москов. Муса Жалил! Шеър ўқишган дам!
Улар бир-бирига қўйганди ихлос.

Ойлар ҳам йилларга айланди, эвоҳ,
Ваҳший панжаларда шоир пажмурда.
Миллат! Сен эдингми бу «сир»дан огоҳ?
Усмон Носир қалби бурда ва бурда!

МАРСИЯ

Навоий кетганда ташлаб дунёни —
Қуёш куйган эди, ой тутилганди.
Қора парда босиб чексиз самони,
Осмондан заминга ғам қуюлганди.

Амир Темур ўлди, жасорат синди,
Ватан бошсиз қолди, эгасиз қолди.
Садоқат ранжиди, муҳаббат тинди,
Оқибат йўқолди, қадр йўқолди...

Улуғбек кўз юмди, юлдузлар сўнди,
Коинот меҳвари чиқди изидан.
Тоғлар қулаб кетди, денгизлар тўнди,
Оталар оғринди ўғил сўзидан.

Бобур вафот этди қирқ етти ёшда,
Йиғлаб қола берди Андижон зор-зор.
Эндигиси, ҳа!
— Тушундим.
— Яқин кел? Сўнг ўпди бехос...
Оламни гуллатди икки қаҳқаҳа.

— Бу нима, нимадир, қўйнингда?..
«Бутун умрим сенинг бўйнингда.
Саҳарда қон тупурсам майли,
Мен Мажнунман, шеърим —
сен Лайли!»

Шу он пайдо бўлди дўсти Назирий,
Салом! — деб қўл берди
унга дафъатан.
Қиқирлаб куларди Амин Умарий,
Қиз эса шарт туриб жўнади, аттанг?!

— Қайга, қайга? — дея югурди Усмон,
Қиз эса кетарди, боқмай қайрилиб.
Ичини ўртарди шубҳа ва гумон,
Дер эди: ишқимдан қолдим айрилиб?

Оғриқ пайдо бўлди, зўрайди тағин,
Уйғонди, кўзида яна аччиқ ёш...
Ҳасрат тўлиб — тошди, юрагида кин,
Бошга урай деса топилмайди тош.

3.

—Усмонжон, келдингми, палов дамладим.
Биламан, неча вақт ош емагансан.
Машраб кўз ёшидан гул унди тошда,
Разолат тиклади шоирларга дор.

Ҳамзани тош бўрон қилди жаҳолат,
Ёвлар хурсанд бўлди, душманлар кулди.
Фурқатни ҳайдади элдан хиёнат,
Шароф Рашидовни ҳаётдан юлди.

Беҳбудий, Жулқунбой, бўлди
жувонмарг,
Кетди Фитрат, Ойбек, Ғафур Ғуломлар.
Миллат чўкди, аччиқ кўз ёшларга ғарқ,
Тарихга айланди қайғули шомлар.

Чўлпон отилганда виждон ҳам ўлди,
Шеърият ўқ еди, шеър яраланди.
Ижод оламига энг қийин бўлди,
Авлодлар юзма-юз, руҳ қораланди.

Ҳеч кимки, бўлмади Усмон Носирдек,
Хокисор ва хароб, майиб ва мажруҳ.
Авлод қараб турди кўрдек, басирдек,
Қайдин яралганди у қўрқоқ гуруҳ?

Шундоқ, сўндирилди ўт — шоир бола,
Боиси — истеъдод бўлгани фақат!
Менинг қулоғимда у чеккан нола,
Жон берган ҳақиқат, ўлган ҳақиқат!

Ўлган бу ҳақиқат тирилар қачон?
Қачон озод бўлур буюк шеърият?
Мангуга айлансин эркин Туркистон,
Ватан байроғига битилган ният!!

ТОЖИХОН

Тожихон қийналиб сўзлар хотира:
Усмонжон кўрмаган қийноқ қолмади.
Ҳеч кимнинг бошига солмасин сира,
Шоир ҳеч ўлмади, душман толмади.

Биласиз, Магадан об-ҳавосини,
Худо қарғаган жой — музлик ўлкаси.
Қуёш туққанмикан Осиёсини —
Офтоб қуйдирадир унинг елкасин.

Маҳбуслар қалтироқ, жони ровоқда,
Назорат қилгувчи ивирсиқ, ваҳший,
Кимки ётар экан бунда қамоқда —
Дер эди: бу кундан ўлганим яхши.

Қоп-қаро ўрмонда кесарлар дарахт,
Қаҳратон қиличи танни кесади.
Ўрмон чийиллайди, қулоқлар карахт,
Шохларни қийратиб шамол эсади.

Заранг новдалари игнасин санчар,
Тирноқлар кўчади, панжаларда қон.
Ҳамма ўлим истар, руҳини янчар,
Оч бўри сингари увуллар ўрмон.

Неча кун Усмонни учратмадим мен,
Ўликми, тирикми билмадим асло.
Кимдир деди: уни кўрай десанг сен,
Фалон жойга боргил,
Ҳушёр бўл, аммо —

— Менинг айтганимни билмасин биров,
Бора қол, бу бурда нонларни ҳам ол!
Олдим тугунчамга! Бошимда қиров,
Мени боплаб кетди ватандош хаёл.

Охири тополдим, энг қаттиқ қийноқ —
Хонага кирдим мен, пилпиллар чироқ,
Кипригим қуйдирди кўзда аччиқ сув:

— Усмонжон,
Мен келдим,
Келдим сўроқлаб.
Жавоб йўқ,
Термулиб турди у фақат.
Бурда нонни қўйдим эзиб, пачоқлаб...
Икки қўллаб еди,
Ғажиди ғат-ғат.

Тикилдим,
Бор кўнглим,
Бардошим синди.
Мени танимади, бир сўз айтмади.
Жовдир-жовдир қараб жуда ўкинди,
Ортиқ тикилмоққа кучим етмади.

Йиғлаб,
Қайтиб кетдим.
Дардим улғайди.
Бор гапни сўзладим сўраса биров.

Ой ўтди,
Бир куни
Вақт топиб ўнгай,
Яна бориб етдим,
Юрак бериб дов.

Ёлғир ёғар эди,
Совуқ изғирин.
Кўзимга кўринди хунук манзара.
(Қандоқ айтиб берай у ҳолат барин?)
Ўҳ... қалбим шилинди, қонади яра:

Ялангда, ёмғирда, ярим ялангоч
Устунга боғланган шоирни кўрдим.
Кўкка юзин қилиб,
Дер эди: Қоч! Қоч!
Эсим оғди,
Тошдай бўзрайиб турдим.

Муз каби ёмғирни ямлар эди у,
Унинг аҳволини кўрди осмон, ер.
Баъзан хаёлини жамлар эди у:
Лабидан учарди энг оташин
шеър:

«Шундан кейингина
мен англадим,
Ўлим борлигини дунёда!..»
Тожихон бошқа сўз
айтолмади бот,
Кўзларин чирт юмиб қилди
бир садо:
Ватан ва миллатни айланг
эҳтиёт,
Йўқса, дунё сизга қилади жафо!

КУНДУЗ

Баланд шаффоф осмонда,
Зангор шарқий томонда,
Тун бўйи уйқу билмай,
Кечани кўзга илмай,
Ерга термулиб турар,
Чексиз бир хаёл сурар,
Ботмай қолган ой...

Юлдузлар кетур ташлаб,
Чўлпон ҳам дилни ташлаб,
Оқ булутлар тўзган он,
Уларга бўлиб ҳайрон —
Ерга термулиб турар,
Хўрсиниб бир оҳ урар,
Ботмай қолган ой...

Тўлиб — тўлмаган эди,
Ўлиб — ўлмаган эди,
Қўшиқ экан эрмаги,
Сўнгсиз экан эртаги,
Ерга термулиб турар,
Ер бошига нур қуяр,
Ботмай қолган ой...

Тўймай ёруг жаҳонга,
Тўймай Ўзбекистонга,
Тўймай она меҳрига,
Тўймай севги сеҳрига,
Ерга термулиб турар,
Ерни у мунча суяр,
Ботмай қолган ой...

Ё, қабрини кўрмоқчи?
Ё, сабрини кўрмоқчи?
Ё, исмини сўрмоқчи?
Ё, қадрини кўрмоқчи?
Ерга термулиб турар,
Ерга эгилиб турар,
Ботмай қолган ой...

Айтмас нима дерини,
Ким билади сирини,
Ё ўқийди шеърини,
Унутиб ер жабрини,
Ерга термулиб турар,
Ўзича суҳбат қурар,
Ботмай қолган ой...

Кетолмайди узоққа,
Бўрон учирган ёққа.
Урилай, деб чироққа,
Сас берай, деб қулоққа
Ерга термулиб турар,
Айланиб шунда юрар,
Ботмай қолган ой...

У дер: — Салом, тупроғим!
Кўз очган дала, тоғим,
Тортса-да аччиқ доғим,
«Унутмас мени боғим?»
Ерга термулиб турар,
Кечаю кундуз куяр,
Ботмай қолган ой...

РИВОЯТ

Бор экану йўқ экан,
Оч экану тўқ экан.
Бу чексиз олам ичра
Ўзбекистон деган юрт —
Бир ўлка бўлган экан.
Қуёш экан ўртоғи,
Нурга тўлган ҳар ёғи,
Бир томони боғ экан,
Бир томони тоғ экан.
Саҳролари, чўли кенг,
Гўё осмонларга тенг.
Дарёлари айқирган,
Полвонлари ҳайқирган.
Гўзал мамлакат экан,
Лек, армон қат-қат экан.
Қалби кўп куюк экан.
Дарди зўр буюк экан.
Куйланиб мингдан бирин,
Ошкора қилиб сирин —
Қушлари сайрар экан,
Йиғлашиб яйрар экан.
Булбул экан сайроқи,
Қарға экан қайроқи,
Чумчуқ экан чийиллоқ,
Читтаги узун қулоқ,
Пўпишаги аймоғи,
Тўти экан маймоғи,
Мусичаси хўп нодон,
Лайлаги экан ларзон.
Тўрғай чулдирар экан,
Бургут ғулдирар экан.
Бойўғли бахил экан,
Сайроқи булбул эса,
Барчага бир хил экан.
Ғийбат ҳам бошланибди,
Жам бўлишиб нечаси
Булбулга ташланибди.
Чорлашибди бўрини,
Тулкиларнинг зўрини —
Ундашибди бу ишга.
Булбул тушиб нолишга,
Берилибди хонишга.
Бир куни тонг маҳали,
Ғунча очилмай ҳали,
Булбулни ушлашибди,
Патидан тишлашибди.
Қанотларини юлиб,
Сўнгра ялангоч қилиб,
Бўрига ташлашибди,
Кўзини ёпланибди.
Бўри дарров ҳамлабди,
Шу заҳоти ямлабди.
Алқисса ўз юртига,
Сира боқмай ортига.
Кетибди шимол сари.
Чунки у ўшал ёқдан
Келган экан илгари.
Бор экану йўқ экан,
Оч экану тўқ экан.
Булбул сайроқи экан,
Қарға қайроқи экан.
Каклик аймоғи экан,
Тўти маймоғи экан.
Улар сирини билган —
Тўлан Низом деган бир
Шоир қиплоқи экан.

1997 йил, март.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ
(масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Қатағонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. НОСИРОВ, навбатчи Б. АБДУСАТТОРОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида, А—2 форматида, 21 523 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0731

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 20.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА